

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ИЗЗАТИЛЛО ИСТАМОВИЧ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
МАШҒУЛОТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Саидов Иззатилло Истамович

Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия машғулотида соғломлаштиришнинг ташкилий-услубий хусусиятлари.....5

Саидов Иззатилло Истамович

Организационно-методические особенности проведения занятий оздоровительной направленности по физической культуре с учащимися младших классов.....27

Saidov Izzatillo Istamovich

Organizational and methodical features of teaching of improving orientation physical culture with pupils of elementary grades.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ИЗЗАТИЛЛО ИСТАМОВИЧ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
МАШҒУЛОТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped462 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Маткаримов Рашид Машарипович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил “___” май соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (210270 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” апрель куни тарқатилган.

(2019 йил “___” апрелда 16 рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.С.Тажигаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д., доцент

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда таълимни модернизациялаш шахсни маънавий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда таълим жараёнининг сифатини оширишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусий мактабларда эса ўқув дастурларини танлаш давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги сабабли турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказиб турилади. Аста-секин индивидуаллашган таълим тизими, яъни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти ва фаоллигига қараб ўқишдаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув таълим жараёнига татбиқ қилинмоқда.

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда уларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим муҳитини таъминлайдиган чоралар мажмуаси ва тизимли тадбирлар, саломатлик ва соғлом турмуш тарзи қадриятини шакллантирувчи шароитларни ташкил этишга қаратилган муаммолар ўрганиб келинмоқда. Шунинг учун айнан ҳозирги даврда ўқувчилар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим жараёнини ташкил этишнинг хилма-хил шакллари самарадорлигини синчиклаб, комплекс тарзда илмий таҳлил қилиш зарур. Жисмоний тайёргарлик соғлом бўлишнинг энг муҳим шарти, унинг яхшиланиши эса мактаблардаги жисмоний тарбия дарсларининг юқори даражада ташкил этилишига боғлиқ. Аммо таълим муассасаларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия дарсларини ўтказишнинг ташкилий-услубий хусусиятларига асосланган, жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган бошланғич синф ўқувчиларининг дастур материалларини тўлиқ ўзлаштиришларига имкон берувчи самарали услубият тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги унинг заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, ундан миллат генофондини соғломлаштириш, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашнинг кафолатли воситаси ва миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилишда стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим соҳа сифатида фойдаланилмоқда. Бугунги кунда “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш¹” устувор йўналишлардан бирига айланди. Айниқса, бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларни ҳар томонлама

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 28 б.

соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида таъкидлаб келинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907 сонли Қарори, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармони, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз ва хориж олимларининг илмий-услубий адабиётларини ўрганиш шундан далолат берадики, соғломлаштиришга йўналтирилган жисмоний тарбия бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Т.С.Усманходжаев, А.К.Атоев, В.К.Бальсевич, Ю.Ф.Курамшин, С.В.Рибалкина, В.А.Богданова, Г.В.Жулина, Н.И.Чуктурова И.А.Кошбахтиев, Д.Д.Шарипова, Л.И.Лубишева, В.А.Баранов ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин².

²Усманходжаев Т.С. Мышечная работоспособность школьников в условиях жаркого климата. Автореф. дис. канд. пед. наук. – М., 1968. – 24 с.; Атоев А.К. Фарзандларингиз баркамол бўлсин. – Т., 1990. – 204 б.; Бальсевич В.К., Лубишева Л.И. Физическая культура: молодежь и современность //Теор. и практ. физ. культ., - Т., 1995.-2-7 б.; Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения. Учебное пособие. – СПб., 1998; -с. 2-7., Усманходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Автореф. дис. д-ра пед. наук. – Т., 1995. – 42 с.; Рыбалкина С.В. Выбор средств физической подготовленности школьников на основе учета их оздоровительной эффективности: Автореф. дис. кан. пед. наук. - Малаховка, 1996. -18с.; Богданова В.А. Дифференцированный подход в физкультурном образовании младших школьников. Автореф. дис. кан. пед. наук. Тюмень, 2001. - 22 с.; Жулина Г.В. К проблеме здоровья и здорового образа жизни человека // Проблемы здоровья человека. Развитие физической культуры и спорта в современных условиях: Материалы межрегиональной научно-практической конференции, посвященной 55-летию ФФК СГУ. - Ставрополь: Изд-во - СГУ., 2002. - С. 179 – 181.; Чуктурова Н.И. Педагогические условия валеологического сопровождения образовательного процесса в начальной школе. Автореф. дис. кан. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 22 с.; Кошбахтиев И.А. Валеология асослари. Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик.-Т., 2005. б- 252 б.; Шарипова Д.Д. и др. Формирование здорового образа жизни. Учебное пособие для студентов институтов физической культуры и факультетов физического воспитания. -Т., 2005.-180 с.; Лубишева Л.И., Кондратьев А.Н. Здоровье формирующая технология физического воспитания младших школьников на основе

Соғломлаштиришга йўналтирилган жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштириш муаммолари Д.Антонюс, М.Г.Горский, М.В.Зверева, В.И.Шалгинова, А.М.Козин, Н.А.Воробьева, Д.Р.Хайбуллина, И.А.Сенникова, А.Г.Щедрина, Т.А.Даминов, Б.Т.Халматова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган³.

Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигида ёш хусусиятларининг таҳлили А.А.Гужаловский, В.В.Дьяконов, И.Г.Дукальский, В.И.Лях, В.А.Ермаков, А.Г.Сухарев, Т.Г.Сулимова, В.П.Губа, О.Б.Серегина, А.Н.Каинов, А.Ю.Фаррахова, И.А.Сенникова, А.М.Ачилов, О.В.Гончарова ва бошқаларнинг ишлари орқали ўрганилди⁴. Аммо мазкур тадқиқот мавзуси

использования традиционного каратэ // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка, №3. – М., 2006. – С. 5-13.; Лубышева Л.И., Кондратьев А.Н. Здоровье формирующая технология физического воспитания младших школьников на основе использования традиционного каратэ // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка, №3. – М., 2006. – С. 5-13.; Баранов В.А. Методика учебно-тренировочного процесса пловцов на этапе начальной подготовки на основе дифференцированного подхода. Автореф. дис. канд. пед. наук. Тамбов, 2012. – 22 с.

³Антонюс Д. Влияние дифференцированных режимов двигательной активности на физическую подготовленность и физическое развитие подростков, обучающихся в школах различного типа. Дис. канд. пед. наук. – М., 1991. – 246 с.; Горский М.Г. Адаптация учащихся младших классов в школе средствами акцентированного двигательного режима: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Екатеринбург, 1993. – 22 с.; Зверева М.В. Основы медицинский знаний и здорового образа жизни. Автореф. дис. канд. мед. наук. – Москва, 1994. – 24 с.; Шалгинова В.И. Профилактика нарушений зрения у младших школьников средствами физкультурно-оздоровительной деятельности: Дис. канд.пед.наук. – Омск, 2000. – 167 с.; Козин А.М. Реализация здоровьесбережения учащихся основной школы в физкультурном образовании. Дис. канд. пед. наук. – Челябинск: УралГАФК, 2002. – 171 с.; Воробьева Н.А. Управление дифференцированным физическим воспитанием детей младшего школьного возраста с разным уровнем физической подготовленности: автореф. дис.канд.пед.наук. СГИФК. – Смоленск, 2003. – 17 с.; Хайбуллина Д.Р. Содержание учебной деятельности оздоровительной направленности в процессе физкультурного образования детей младшего школьного возраста: автореф. дис.канд.пед.наук. СибГАФК. – Омск, 2004. – 24 с.; Сенникова И.А. Организационно-педагогические основы здоровьесберегающего образования в общеобразовательной школе: автореф. дис.канд. пед. наук. – Томск, 2004. – 24 с.; Щедрина А.Г. Педология наука о детстве как фундаментальная основа валеологии и педагогики: Лекция. – Новосибирск: СОР АМН, 1996. – С. 43.; Даминов Т.А., Халматова Б.Т. Болалар касалликлари. – Т., 2010. – 304 б.

⁴ Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. – Минск: Нар.расцвет, 1978. – С. 88. Дьяконов В.В. Развитие выносливости, быстроты и силы у школьников и их воспитание на уроках физической культуры в 5 классе: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – М., 1982. – 24 с.; Лях В.И. Сенситивные периоды развития координационных способностей детей в школьном возрасте // Теория и практика физической культуры, № 3. – М., 1990. – С.15-17.; Дукальский И.Г. Динамика двигательных способностей и пути их повышения у детей младшего школьного возраста. Автореф. дис. канд. пед. наук; – М., 1993. – 22 с.; Лях В.И. Тесты в физическом воспитании школьников: Пособие для учителя. – М.: АСТ, 1998. – С. 272.; Ермаков В.А. Теория и технология дифференцированного физического воспитания детей и учащейся молодежи: дис. докт. пед. наук. Тульский гос пед институт им. Л.Н.Толстого. – Тула, 1996. – 515 с.; Сухарев А.Г. Здоровье и физическое воспитание детей и подростков // Школа здоровья, №1. – М., 1998. Т.4. – С. 7 - 14.; Сулимова Т.Г. Особенности тестирования и оценки физической работоспособности у детей и подростков: Автореф. дис... канд. биолог, наук. – Краснодар, 1997. – 22 с.; Губа В.П. Оценка физического развития детей по данным морфологических наблюдений // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1998. – С. 32-33.; Серегина О.Б. Формирование мотивационно ценностного отношения к физической культуре у младших школьников: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Тула, 1999. – 23 с.; Каинов А.Н. Дифференцированная оценка физической подготовленности школьников: автореф. дис.канд. пед. наук. ВГАФК. – Волгоград, 2004. – 24 с.; Фаррахова А.Ю. Педагогические условия организации совместной образовательной деятельности детей с различным состоянием физического здоровья: автореф. дис.канд. пед. наук. – Уфа, 2004. – 24 с.; Сенникова И.А. Организационно-педагогические основы здоровьесберегающего образования в общеобразовательной школе: автореф. дис.канд. пед. наук. – Томск, 2004. – 24 с.; Ачилов А.М. Воспитание физической культуры личности в системе образования / Под общей научной редакцией д.п.н., проф. Э.А.Сейтхалилова. – Т., 2012. – 326 с.; Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилятларини ривожлантириш. Ўқув қулланма. – Т., 2018. – 172 с.; Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш. – Т.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. – 204 б.

доирасида айрим методик тавсияларни инобатга олмасак, ўқувчилар соғлиғини мустаҳкамлаш муаммосини ҳал этишга бағишланган алоҳида монографик тадқиқот амалга оширилмаган. Масалан, жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия машғулотида ўзига хос ташкилий-услубий хусусиятларга асосланган услубият ишлаб чиқиш масалаларига доир илмий адабиётларни таҳлил қилиш шундай хулоса қилишга олиб келдики, мазкур муаммо долзарб илмий, мақсадли педагогик тадқиқотлар предметиға айланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг 2015-2018 йилларга мўлжалланган “Мактаб ва коллежларда жисмоний тарбия методологик тизимини илмий-назарий асосда ўқитиш” илмий тадқиқотлар йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия машғулотида соғломлаштиришнинг ташкилий-услубий хусусиятларига асосланган услубиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний тарбия дастурининг ўзига хос ташкилий-услубий хусусиятларини аниқлаш;

10-11 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида аэробика, стретчинг машқларини қўллаш механизмнинг такомиллаштирилган услубиятини ишлаб чиқиш;

жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган 10-11 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини назарда тутган ҳолда жисмоний тарбия ўқув дастурининг ўзига хос ташкилий-услубий хусусиятларига асосланган услубиятни такомиллаштириш;

10-11 ёшли ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари ва жисмоний имкониятларини назарда тутган ҳолда уларни ҳаракат амалларига ўргатиш, жисмоний тайёргарлиги, жисмоний ривожланиши ва функционал тайёргарлигини ошириш услубиятини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарслари жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда уларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштириш услубияти.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув ва таҳлил, педагогик тестлаш, пульсометрия, антропометрия, педагогик тажриба-синов ва математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний тарбия дастурининг ўзига хос ташкилий-услугий хусусиятларига асосланган услубият такомиллаштирилган;

жисмоний тарбия дарсларида 10-11 ёшли ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлайдиган аэробика, эгилувчанлик ва мушаклар чўзилувчанлигини яхшилашга хизмат қилувчи стретчинг машқларини қўллаш механизми ишлаб чиқилган;

ҳар хил даражадаги индивидуал қобилият ва тайёргарликка эга бўлган 10-11 ёшли ўқувчилар учун вазифалар белгилаб олиниб, уларнинг жисмоний тайёргарлигини назарда тутган ҳолда жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштириш методикаси такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда уларда жисмоний тарбиянинг ҳаракат амалларига ўргатиш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланганлик ва функционал тайёргарлигини ривожлантириш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия дарсларининг ўқувчиларни соғломлаштиришдаги аҳамиятини ошириш мақсадида ўқув дастурининг вазифалари жисмоний тайёргарлиги икки хил даражадаги 10-11 ёшли ўқувчиларга мослаштирилган;

ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний тарбия дастурининг ўзига хос ташкилий-услугий хусусиятларга асосланган услубияти ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний тарбия жараёнининг инсон саломатлигига таъсири тўғрисидаги назарий билимлар шакллантирилган;

тадқиқот натижалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари ва соғломлаш-тириш ҳамда реабилитация марказларига фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ишда қўлланилган ёндашув, услубият ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, тажриба ишларига математик-статистик усуллар билан ишлов берилганлиги, хулоса, таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади, жорий этиш далолатномалари мавжуд.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотимизнинг илмий аҳамияти 10-11 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия дарсларини олиб боришда ўқув дастурининг соғломлаштиришга йўналтирилган ва ташкилий-услугий ўзига хосликларининг мазмуни, ўқувчи-ларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланганлик ҳамда функционал тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилаб, ўқувчиларнинг ёши ўсиши жараёнидаги жадал (сенситив) даврини инобатга олиб, соғломлаштиришга йўналтирилган

жисмоний тарбия дарсларини ўтишнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Ишнинг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 ёшли ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбиянинг инсон саломатлигига таъсири тўғрисидаги назарий билимларни шакллантириб, ўқув дастурининг вазифалари жисмоний тайёргарлиги, жисмоний ривожланганлик ва функционал тайёргарлик ҳолати ҳар хил даражадаги ўқувчиларга мослаш-тирилиб, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсларида соғломлаштиришнинг ташкилий-услубий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний тарбия дастурининг ўзига хос ташкилий-услубий хусусиятларига асосланган такомиллаштирилган услубият Бухоро вилояти Жондор туманидаги 32- ва 33- умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда Бухоро шаҳридаги 1 ва 9- умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 ёшли ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3112-сон маълумотномаси). Натижада 10-11 ёшли ўқувчилар билан соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия дарсларини ўтказишда ўқувчиларнинг саломатлиги, жисмоний ва функционал тайёргарлик кўрсаткичлари яхшиланган;

жисмоний тарбия дарсларида 10-11 ёшли ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлайдиган аэробика, эгилувчанлик ва мушаклар чўзилувчанлигини яхшилашга хизмат қилувчи стретчинг машқларини қўллашнинг такомиллаштирилган методикаси Бухоро вилояти Жондор туманидаги 32- ва 33- умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3112-сон маълумотномаси). Натижада 32-умумий ўрта таълим мактаби 10-11 ёшли ўқувчиларнинг эгилувчанлик сифати 44-48%га, 33-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг эгилувчанлик сифати 42-47%га, Бухоро шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактаби 10-11 ёшли ўқувчиларнинг эгилувчанлик сифати 40-45%га, 9-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг эгилувчанлик сифати 43-46%га ривожланган;

ҳар хил даражадаги индивидуал қобилият ва тайёргарликка эга бўлган 10-11 ёшли ўқувчилар учун вазифалар белгилаб олиниб, уларнинг жисмоний тайёргарлигини назарда тутган ҳолда такомиллаштирилган методика Бухоро шаҳридаги 1- ва 9- умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3112-сон маълумотномаси). Натижада 1- умумий ўрта таълим мактаби 10-11 ёшли ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик

кўрсаткичи 11,5 %га, 9- умумий ўрта таълим мактаби 10-11 ёшли ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичи 11,2%га яхшиланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда уларда жисмоний тарбиянинг ҳаракатлантиришга қаратилган билимларини шакллантириш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланганлик ва функционал тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилашнинг такомиллаштирилган услубияти Бухоро вилояти Жондор туманидаги 32- ва 33-умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3112-сон маълумотномаси). Натижада 32-мактабнинг 10-11 ёшли ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичи 12,4%га, 33 - мактабнинг 10-11 ёшли ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичи 12,2%га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-назарий, илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола (2 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 115 саҳифа матн, 18 та жадвал, 24 та расм, иловалар ва жорий этиш далолатномаларини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида баркамол авлодни жисмоний тарбиялаш тизимидаги муаммолар”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини сақлаш ва

мустаҳкамлашдаги муаммолар, баркамол шахсни шакллантиришда саломатликнинг ўрни, уни ташкил этиш ва унга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи, бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланганлик қонунияти, ўқувчиларни жисмоний таълим ва соғломлаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкиллаштиришда мавжуд муаммолар таҳлили, ўқувчиларнинг саломатлигини жисмоний тарбия воситалари орқали мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш муаммолари, ўқувчилар ўз-ўзини жисмоний тарбиялаб, соғлигини мустаҳкамлаши, уларни ҳар томонлама жисмоний ривожлантиришдаги ролининг илмий-услубий ва физиологик моҳияти мутахассис-олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиб берилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотларнинг якуний хулосалари умумий ўрта таълим мактабларидаги анъанавий жисмоний тарбия дарслари мазмун-моҳияти, ҳажми ва зўриқиш жадаллиги номукамаллиги, ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари инobatга олинмаганлиги билан ўсиб келаётган ёш организмнинг талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини исботлаб берди.

Жисмоний тарбия дарслари бўйича илгари ишлаб чиқилган тизимнинг номукамаллиги яна шундаки, унинг асосий мақсади соғломлаштирувчи эмас, балки таълимий хусусият асосида тузилганлиги, мактаб жисмоний тарбия тизимида, шунингдек, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланганлиги ва функционал тайёргарлигини инobatга олган ҳолда жисмоний зўриқишли машқларга индивидуал ёндашувнинг мавжуд эмаслигидадир.

Жисмоний тарбия дарсларининг соғломлаштиришга йўналтирилган ўқув дастурини қайта ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш, соғломлаштириш тадбирларини кўпайтириш керак, деган ёндашувлар ҳам мавжуд. Ўқув жараёнида жисмоний машқларнинг соғломлаштириш механизмлари очиб берилмапти, бу уларнинг самарали соғломлаштирувчи машқ эканлигини англашда ва кейинчалик мустақил бажаришда қийинчилик туғдирмоқда.

Манбалардаги таҳлиллار натижасига кўра, умумий ўрта таълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарслари жисмоний қобилиятларни, ҳаракатланиш кўникмалари ва малакаларини шакллантиришга қаратилган, бироқ ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш таъминланмаган. Бундан ташқари, мактабларда ўқитиладиган жисмоний тарбия дарсларининг мавжуд услубиятида бу фаннинг таълим-тарбия, соғломлаштиришдаги аҳамияти очиб берилмаган. Таҳлиллар умумий ўрта таълим мактабларидаги анъанавий ташкиллаштирилган жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларда назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантиришда қийинчиликлар туғдиришини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва ташкил этилиши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ва педагогик тажрибани ташкил этиш масалалари илмий ва илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, педагогик назорат синовлари, педагогик назорат машқи (тест)лари, педагогик тажриба, педаго-

гик тажриба-синов ва математик-статистик таҳлил услублари, тадқиқотни ташкил этиш фикр-мулоҳазалар ва хулосалар асосида очиб берилган.

Тадқиқот иши 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ўтказилган ва бир нечта кетма-кет босқичдан ташкил топган.


2015-2016 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичда илгари шу мавзуда чоп этилган ишлар батафсил назарий таҳлил қилинган, адабиётлар ўрганилган, тадқиқот аппарати шакллантирилган. Биринчи босқич натижалари иккинчи босқични ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади.

2016-2017 йилларни ўз ичига олган иккинчи босқичнинг вазифаси талаб этиладиган тажриба объектларини; тажриба ўтказишда талаб этиладиган давомийликни аниқлаш; тажриба объектнинг бошланғич ҳолатини ўрганиш учун аниқ услубиятларни танлаш; услубиятнинг самарадорлигини текшириш; тажриба объектларида педагогик таъсир остида киритилган ўзгаришларни билиш мумкин бўлган белгиларни аниқлашдан иборат.

2017-2018 йилларда ўтказилган педагогик тажрибанинг учинчи босқичи энг асосий босқич ҳисобланади, яъни ишлаб чиқилган услубиятнинг самарадорлигини тажрибаларда текшириш, тадқиқот натижалари таҳлили ва математик ишланмалардан иборат.

Диссертациянинг **“Жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобда жисмоний тарбия дарсларида валеологик асоснинг моҳияти, бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлиги ва соғлом турмуш тарзининг таркибий қисмларини шакллантириш, жисмоний тарбия дарсларини олиб боришда индивидуал ёндашувни комплекс амалга ошириш моҳияти, бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тайёргарлигини ҳар томонлама баҳолашнинг хусусиятлари очиб берилган.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг турли самарали услубларини умумий ўрта таълим тизимига жорий этиш янада чуқур ва мураккаб тадқиқот, шунингдек, концепциялар, назариялар, технология ва сифат баҳосининг диагностик процедурасини талаб этади. Соғлом турмуш тарзига бўлган муносабатни ўрганиш мақсадида биз томонимиздан анкета саволлари тузилиб, мактаб ўқувчилари сингари ўқитувчилар орасида ҳам сўровнома ўтказилди. Ўтказилган анкета сўровномасига кўра 70% бошланғич синф ўқувчилари соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунчага эга эмаслар. 42% ўқувчилар тамаки ва алкоголь маҳсулотларига организм тобе бўлиб қолишининг салбий оқибатларини тушунтира олганлар. 50% ўқитувчилар дарсларида кўрғазмали қуроллар, расмлар, жадвал ва мисоллардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга зарарли одат, иллатларга қарши кураш йўллари ва соғлом турмуш тарзи ҳақида маълумот берадилар ёки уни тарғиб қиладилар, 32% ўқитувчилар эса жисмоний тарбиянинг фойдаси ҳақидаги назарий билимларни берсалар, 18% ўқитувчилар назарий билимларга вақтни сарфлашни муҳим эмас, деб ҳисоблайдилар (1-расмга қаранг).



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида қатнашиш кўрсаткичи

Олиб борилган сўровномалар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўртача 78,2% ўқувчилар мунтазам равишда жисмоний тарбия дарсларида қатнашадилар. Ёши улғайган сайин ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида қатнашиш кўрсаткичи камайиб бораверади: 7-8 ёшда 86,7%, 9-10 ёшда 78,6%, 10-11 ёшда 69,4% ни ташкил этди. 7-8 ёшли ўқувчиларда кўпроқ ҳаракатли жанговар ўйинларга 54,2%, 9-10 ёшдаги ўқувчиларда кураш 44,4% ва спорт ўйинларига 29,4% қизиқиш борлиги анкета сўровномалари натижасида маълум бўлди.


Анкета сўровномаси натижаларидан маълум бўлдики, умумий ўрта таълим мактабларидаги анъанавий жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларда ҳеч қандай қизиқиш уйғота олмаяпти. Нисбатан юқори жисмоний тайёргарликка эга гуруҳларнинг ўқувчилари томонидан анъанавий жисмоний тарбия дарсларига салбий муносабат билдирилган.

Ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини намоён этишга қаратилмаган, барча ўқувчилар учун бир хил бўлган умумий таълим уларнинг етарли даражада жадал (интенсив) ривожланишига кафолат беролмайди. Бу биринчидан, бир синфда ўқийдиган ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларининг ҳар хиллигига боғлиқ. Иккинчидан, бир ўқувчи ҳаракат кўникмаларини энди ўзлаштираётган бир пайтда, бошқа ўқувчи аллақачон уни мукамал даражада эгаллаши мумкин.

Ҳаракатланиш амалларига ўргатиш жараёнида ҳар бир гуруҳ ўзининг жисмоний тайёргарлигидан келиб чиққан ҳолда машқни бажарди. Шу сабабдан ҳар хил жисмоний тайёргарликка эга ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган тажриба синфларда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш йўли билан амалга оширилди:

1. Дарсни аъло, яхши ва тез ўзлаштирувчилар гуруҳи.
2. Дарсни қоникарли ва секин ўзлаштирувчилар гуруҳи.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ҳар томонлама баҳолаш мақсадида “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларидан фойдаланилди.




2-расм. Ташқи вазиятларни мураккаблаштириш услуби

Жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган ўқувчилар ҳам ўргатилаётган машқнинг техникасини осонроқ йўл билан ўрганишлари мумкин. Булар: ташқи вазиятларни мураккаблаштириш услуби (2-расмга қаранг).

Ҳаракат техникаси шартларини енгиллаштириш, организмни турли ҳолатда ҳаракат фаолиятига ўргатиш услуби (3-расмга қаранг).

Санаб ўтилган услублар турли жисмоний тайёргарликка эга гуруҳлар ўқувчилари учун услубий кўрсатмалар қаторида амалга оширилади.



3-расм. Ҳаракат техникаси шартларини енгиллаштириш, организмни турли ҳолатда ҳаракат фаолиятига ўргатиш услуби

Биз тавсия этган услублар ҳар хил жисмоний тайёргарликка эга ўқувчиларнинг ҳаракат фаолиятини нисбатан яхши ўзлаштиришларига ёрдам беради. Бунда шуғулланувчиларнинг индивидуал қобилиятлари ва ҳаракат

имкониятлари инобатга олинади. Назарий билимларни баҳолаш анъанавий мезонларга мувофиқ амалга оширилади, бунда ўқувчиларда дарсларда олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмаси баҳоланади.

Тадқиқотимизда ўқувчиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган услубиятни ишлаб чиқиш асосий вазифалардан бири эди. Биз тадқиқотимизда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва профилактик тиббиёт соҳасидаги йирик мутахассис К.Купернинг (1989) аэробика дастуридан фойдаландик. 10-11 ёшли ўқувчилар учун организмнинг бир меъёردа ишлашини таъминлаш, саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш, яхши кайфиятга эришиш, руҳий ҳолатни яхшилаш, организмни юрак хасталикларидан ҳимоя қилувчи хусусиятлари ва қон айланишини яхшилаш учун мўлжалланган жисмоний машқлардан фойдаланиш услубиятини тавсия этамиз.

Ушбу услубият турган жойида тиззаларни баланд кўтариб югуриш дастури, арғамчида сакраш ва стретчинг машқларини ўз ичига олади (1- ва 2-жадвалларга қаранг).

Ушбу услубиятнинг мақсади ўқувчиларнинг ўз саломатлигига бўлган эътиборини кучайтириш, турмуш тарзини таҳлил қилишга ва ўз саломатлик ҳолатига таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаб олишга ўргатишдан иборат.

1-жадвал

Турган жойида тиззаларни баланд кўтариб югуриш дастури (10-11) ёш

Ой	Ҳафталар	Вақт, дақиқа	1 дақиқа ичида кадамлар сони	Ҳафталик машқлар суръати (частотаси)
Сентябрь	1	3.00	60-65	2
	2	3.00	60-65	2
	3	3.00	60-65	2
	4	3.30	60-65	2
Октябрь	5	3.30	60-65	2
	6	5.00	60-65	2
	7	5.00	60-65	3
	8	5.00	60-65	3
Апрель	9	3.00	60-65	3
	10	3.00	60-65	3
	11	4.00	70-75	3
	12	4.00	70-75	4
Май	13	5.00	70-75	4
	14	5.00	80-90	4
	15	5.00	80-90	4

Аргамчида сакраш дастури (10-11) ёш

Ой	Ҳафталар	Вақт, дақиқа	1 дақиқа ичида сакрашлар сони	Ҳафталик машқлар суръати (частотаси)
Январь	1	3.00	60-65	2
	2	3.00	60-65	2
	3	3.00	60-65	2
	4	3.30	60-65	2
Февраль	5	3.00	60-65	2
	6	3.00	60-65	3
	7	3.00	60-65	3
	8	3.00	70-75	3
Март	9	4.00	70-75	3
	10	4.00	70-75	4
	11	5.00	70-75	4
	12	5.00	70-75	4

Бундан ташқари, кейинги вақтларда хорижда ва мамлакатимизда эгилувчанлик ва мушаклар чўзилувчанлигини кўтаришга хизмат қилувчи бошланғич машқлар тизими ҳисобланган стретчингдан фойдаландик.

Стретчингнинг физиологик аҳамияти шундаки, у мушакларни чўзилтириш ва уларни маълум бир ҳолатда ушлаб туриш жараёнида, организмда қон айланиши ва моддалар алмашинуви жараёни фаоллашади. Жисмоний тарбия ва спорт амалиётида стретчинг машқларидан машғулот вақтида дарсинг асосий қисмида баданни қиздириш машқларидан сўнг, мушакларни тайёрлаш, эгилувчанликни оширувчи восита ҳамда пайлар ва мушаклар чўзилувчанлигини кўтаришда фойдаланиш мумкин.

Машғулот профилактик аҳамиятга эга бўлиб, мушак-бойлам аппарати қанчалик яхши тайёрланган бўлса, ҳаракат шунчалик яхши бажарилади. Бу эса, турли чўзилишлар, мушаклар ва пайлар узилишлари хавфини камайтиради. Маълумки, машғулот махсус танлаб олинган жисмоний машқлар мажмуасидан иборат. Бу организмнинг ишчанлигини оширишга хизмат қилади. Чўзилтириш машқларини бажаришда ҳаракатлар амплитудасини аста-секин ошириб бориш зарур, акс ҳолда ҳатто яхши чигалёзди машқларидан кейин ҳам мушаклар ва бойламлар жароҳатланиши мумкин.

Диссертациянинг **“Жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган бошланғич синф ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган услубиятини тажрибавий асослилиги”** деб номланган тўртинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган услубият тажрибада текширилиб, жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган 10-11 ёшли ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришларига ёрдам берадиган услубият самарадорлиги текширувдан ўтказилди.

Педагогик тадқиқотда 10-11 ёшли ўқувчилар катнашдилар (n=96).

Тадқиқотнинг барча қатнашчилари тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди: 10-11 ёшли “А” синф ТГ ва 10-11 ёшли “Б” синфи НГ. НГ да жисмоний тарбия дарслари анъанавий мактаб дастури асосида ўтказилди. ТГ гуруҳида эса дарслар биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва юқорида батафсил тушунтириб ўтилган услубият асосида олиб борилди. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланганлик ва функционал тайёргарлиги даражасини аниқлаш учун ушбу ўқув дастурининг жисмоний қобилиятларини ақс эттирувчи назорат машқлар (тестлар)ни олдик. Бизнинг педагогик кузатувларимиз ўрганилаётган параметрлар бўйича олинган натижалар ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасида нисбатан фарқ борлигини кўрсатаётган бўлсада, арифметик таҳлилларга кўра тадқиқот олиб борилаётган гуруҳларнинг ўғил ва қиз ўқувчилари ўртасида катта фарқ кўзга ташланмайди ($p>0,05$) (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Ўқувчиларнинг педагогик тадқиқотдан дастлабки жисмоний тайёргарлиги бўйича олинган кўрсаткичлар таҳлили (n=96)

Т/р	Синов турлари	Жинси	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	р
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$	
1.	30 м га югуриш, сек. (тезлик қобилияти)	Ў	5,8±0,21	5,8±0,16	>0,05
		Қ	6,1±0,26	6,2±0,12	>0,05
2.	6 дақиқали югуриш, м (чидамлилик)	Ў	748±2,3	746±2,2	>0,05
		Қ	610±1,6	614±1,7	>0,05
3.	Турган жойидан узунликка сакраш, см (тезлик-куч қобилияти)	Ў	115,2±5,2	115,7±4,9	>0,05
		Қ	111±4,5	110,8±4,6	>0,05
4.	Гавдани олдинга буқиш, см (эгиловчанлик)	Ў	4,6±1,8	4,8±1,4	>0,05
		Қ	6,2±1,5	6,1±1,3	>0,05
5.	Турникда тортилиш, сони (куч қобилияти)	Ў	1,8±0,15	1,9±0,14	>0,05
	Паст турникда чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш, сони (куч қобилияти)	Қ	3,6±0,22	3,5±0,21	>0,05
6.	Арғамчида сакраш, сони (тезлик-куч қобилияти)	Ў	60,5±2,7	61,2±2,9	>0,05
		Қ	76,8±3,7	75,9±3,5	>0,05
7.	3x10 метрга моқисмон югуриш, сек. (координация қобилияти)	Ў	9,8±0,12	9,7±0,11	>0,05
		Қ	11,1±0,14	10,9±0,13	>0,05

Кўриниб турибдики, ўқувчилар жисмоний тайёргарлигининг дастлабки ҳолати деярли бир хил. НГдаги ўғил болаларнинг 30 метрга югуриш бўйича ўртача кўрсаткичи 5,8±0,21 сек, ТГдаги ўғил болаларнинг натижаси 5,8±0,16 сек, ишончлилик ($p>0,05$), НГдаги қиз болаларда 30 метрга югуришда 6,1±0,26 сек, ТГдаги қиз болаларнинг натижаси 6,2±0,12 сек, ишончлилик ($p>0,05$). НГдаги ўғил болаларнинг турган жойидан узунликка сакраш бўйича назорат меъёрларида кўрсатган натижалари 115,2±5,2 см, ТГдаги болаларда

эса $115,7 \pm 4,9$ см, ишончлилик ($p > 0,05$); қиз болаларнинг ўртача кўрсаткичи деярли бир хил $111 \pm 4,5$ см ва $110,8 \pm 4,6$ ишончлилик ($p > 0,05$).

Турникда тортилиш бўйича назорат тестларида қуйидаги натижалар олинди. НГдаги ўғил болаларда $1,8 \pm 0,15$ марта, ТГдаги ўғил болаларда эса $1,9 \pm 0,14$ ишончлилик ($p > 0,5$); қиз болаларда паст турникда чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш бўйича қуйидаги натижалар қайд этилди; НГдаги қиз болалар натижаси $3,6 \pm 0,22$ марта, ТГдаги қиз болаларда эса $3,6 \pm 0,21$ марта, ишончлилик ($p > 0,05$).

Бизнинг педагогик кузатувларимиз ўрганилаётган параметрлар бўйича олинган натижалар ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасида нисбатан қандайдир фарқ борлигини кўрсатаётган бўлсада, арифметик таҳлилларга кўра тадқиқот олиб борилаётган тажриба ва назорат гуруҳларининг ўғил ва қиз болалари ўртасида катта фарқ кўзга ташланмайди, ишончлилик ($p > 0,05$).

Кўриниб турганидек, педагогик тадқиқот аввалида ўқувчилардаги жисмоний ривожланиш ва функционал тайёргарлик бўйича дастлабки натижалар ҳам тахминан бир хил даражада эди (4–жадвалга қаранг).

4-жадвал

Педагогик тадқиқот бошида ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва функционал тайёргарлиги (n=96)

Т/р	Кўрсаткичлар		Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	p
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$	
1.	Ёши		10-11	10-11	
2.	Гавда узунлиги, см		$138,5 \pm 5,15$	$139,4 \pm 4,18$	$> 0,05$
3.	Гавда оғирлиги, кг		$39,8 \pm 2,5$	$40,1 \pm 3,2$	$> 0,05$
4.	Кетле индекси, кг		294,6	292,1	$> 0,05$
5.	Ўпканинг тириклик сигими, л		$1,34 \pm 0,03$	$1,32 \pm 0,04$	$> 0,05$
6.	Кўкрак қафасининг айланаси	Танаффус (тинч ҳолатда)	$58,4 \pm 0,6$	$57,9 \pm 0,5$	$> 0,05$
		Кириш (нафас олганда)	$62,1 \pm 0,4$	$62,3 \pm 0,4$	$> 0,05$
		Чиқиш (нафас чиқарганда)	$55,3 \pm 0,3$	$54,5 \pm 0,3$	$> 0,05$
7.	Қўл панжа кучи диномометрияси, кг	Ўнг	$7,2 \pm 0,5$	$7,3 \pm 0,4$	$> 0,05$
		Чап	$6,5 \pm 0,8$	$6,4 \pm 0,7$	$> 0,05$
8.	Артериал босим, мм.с.су.		90\55	100\60	$> 0,05$
9.	Скибинский индекси, сек		20	19	$> 0,05$
10.	Ромберг синови, сек	Одий	$74,6 \pm 7,2$	$73,4 \pm 6,7$	$> 0,05$
		Мураккаб	$38,7 \pm 4,6$	$37,5 \pm 4,1$	$> 0,05$
11.	Яроцкий синови, сек		$41,9 \pm 2,7$	$40,3 \pm 2,5$	$> 0,05$
12.	Штанге синови, сек		$19,5 \pm 7,8$	$19,7 \pm 8,1$	$> 0,05$
13.	Генч синови, сек		$14,7 \pm 9,3$	$14,9 \pm 7,6$	$> 0,05$
14.	Озерецкий синови, сек		$9,2 \pm 2,6$	$8,9 \pm 2,2$	$> 0,05$

НГдаги ўқувчиларда гавда узунлигининг ўртача кўрсаткичи $138,5 \pm 5,15$ см, ТГда эса $139,4 \pm 4,18$ см ни ташкил этмоқда; НГда гавда вазнининг ўртача кўрсаткичи $39,8 \pm 2,5$ кг ва ТГда $40,1 \pm 3,2$ кг.

НГда Кетле индекси 294,6 кг ни ташкил этган бўлса, ТГда 292,1 кг.ни кўрсатмоқда; ўпканинг тириклик сифими $1,34 \pm 0,03$ л ва $1,32 \pm 0,04$ л; кўкрак қафасининг айланаси НГда $58,4 \pm 0,6$ см бўлса, ТГда $57,9 \pm 0,5$ см; кириш кўрсаткичлари НГда $62,1 \pm 0,4$ см ва ТГда $62,3 \pm 0,4$ см; чиқиш кўрсаткичлари НГда $55,3 \pm 0,3$ см ва $54,5 \pm 0,3$ см; ўнг қўл панжа кучи НГда $7,2 \pm 0,5$ кг ва чап қўлники $7,3 \pm 0,4$ кг, ТГда ўнг қўл панжа кучи $6,5 \pm 0,8$ кг ва чап қўлники $6,4 \pm 0,7$ кг.ни кўрсатмоқда.

Тадқиқот олиб борилаётган тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўғил ва қиз болалари ўртасида катта фарқ кўзга ташланмайди ($p > 0,05$).

Педагогик тадқиқот сўнгида олинган натижаларга кўра, жисмоний жиҳатдан ижобий ўсиш ҳолати кузатилди, буни ўқувчиларнинг жисмоний ривожланганлиги ва функционал тайёргарлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам тасдиқламоқда. ТГдаги ўқувчиларда жисмоний тайёргарлик жиҳатдан кўрсаткичлар яхшилаганлигини кўриш мумкин (5-жадвалга қаранг).

5 -жадвал

Ўқувчилар жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичининг педагогик тадқиқот сўнгидаги солиштирма таҳлили (n=96)

Т/р	Синов турлари	Жинси	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	р
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$	
1.	30 м га югуриш, сек (тезлик қобилияти)	Ў	$5,7 \pm 0,19$	$5,2 \pm 0,18$	$< 0,05$
		Қ	$5,9 \pm 0,22$	$5,5 \pm 0,12$	$< 0,05$
2.	6 дақиқали югуриш, м (чидамлик)	Ў	$751 \pm 2,5$	$907 \pm 2,9$	$< 0,05$
		Қ	$618 \pm 1,8$	$811 \pm 2,7$	$< 0,05$
3.	Турган жойдан узунликка сакраш, см (тезлик-куч қобилияти)	Ў	$117,4 \pm 5,8$	$139,2 \pm 6,4$	$< 0,05$
		Қ	$113,7 \pm 4,9$	$132,3 \pm 5,9$	$< 0,05$
4.	Гавдани олдинга буқиш, см (эгиловчанлик)	Ў	$4,8 \pm 1,9$	$6,7 \pm 1,7$	$< 0,05$
		Қ	$6,1 \pm 1,5$	$8,3 \pm 1,1$	$< 0,05$
5.	Турникда тортилиш, сони (куч қобилияти)	Ў	$2,1 \pm 0,13$	$3,3 \pm 0,8$	$< 0,05$
	Паст турникда чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш, сони (куч қобилияти)	Қ	$4,2 \pm 0,24$	$6,5 \pm 0,33$	$< 0,05$
6.	Арғамчида сакраш, сони (тезлик куч қобилияти)	Ў	$63,6 \pm 3,2$	$78,1 \pm 3,9$	$< 0,05$
		Қ	$79,2 \pm 4,3$	$91,4 \pm 4,8$	$< 0,05$
7.	3x10 метрга моқсимон югуриш, сек. (координация қобилияти)	Ў	$9,5 \pm 0,10$	$8,7 \pm 0,09$	$< 0,05$
		Қ	$10,8 \pm 0,13$	$9,6 \pm 0,10$	$< 0,05$

Тадқиқотнинг 30 м.га югуриш назорат машқи бўйича НГдаги ўқувчиларининг ўртача кўрсаткичи $5,8 \pm 0,21$ сек.ни ташкил этган бўлса, тадқиқотдан сўнг бу $5,7 \pm 0,19$ сек.га ўзгарди, бироқ асосли ўзгаришлар кузатилгани йўқ ($p > 0,05$).

ТГдаги ўқувчиларда 30 м.га югуриш бўйича ишончли ўзгаришлар юз берди: $5,2 \pm 0,18$ сек, тадқиқотгача эса бу кўрсаткич $5,8 \pm 0,16$ сек.ни ташкил этган эди. Маълум бўлдики, натижа кескин ўзгарди ва статистик ҳолат ($p < 0,05$) га ўзгарди. Педагогик тажрибанинг қизлар ўртасида 30 метрга югуриш шартида НГдаги қиз болаларнинг натижалари деярли бир хил: $6,1 \pm 0,26$ сек ва $5,9 \pm 0,22$ сек ($p > 0,05$), ТГдаги қизларнинг худди шу машқдаги кўрсаткичи $6,2 \pm 0,12$ сек ва $5,5 \pm 0,12$ сек, натижалар ўзгариши кескин равишда кўтарилган, ишончлилик ($p < 0,05$).

